



ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ УСТУН ҚЎЙГАН - ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ

Утебаев Саламат Максетбай улы

ҚДУ докторанти

salamatutebaev232@gmail.com

Азбергенова Мунира Шаржаувна

ҚДУ студенти

munirasharjauvna@mail.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10004140>

ARTICLE INFO

Received: 06th Oktober 2023

Accepted: 14th Oktober 2023

Online: 15th Oktober 2023

KEY WORDS

Конституция, реформа, давлат, шахс, ҳуқуқ, қонун, норма.

ABSTRACT

Ушбу мақолада янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг жамият ва инсон ҳаётида тутган ўрни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларининг кафолатланганлиги, янги киритилган ўзгаришларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этилган ёндашувлари ва инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган нормалар таҳлил этилган.

Бугунги кунда янгиланиб бораётган мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётини модернизация қилишга йўналтирилган демократик ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Бу эса ўз навбатида давлат тузумининг ўзгаришига, миллий давлатчиликнинг ривожланишига, янги ҳокимият институтлари пайдо бўлишига шунингдек, бор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзгартирилишига ва қўшимчалар киритилишига олиб келмоқда. Бу янгиланишларга ҳамоҳанг тарзда Бош қомусимиз бўлган Конституциямизга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2022 йилнинг 20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш буйича конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган йиғилишда таъкидлаганидек: «Чинакам халқ мафқурасини, миллатнинг энг муқаддас орзу-интилишларини факат унинг Бош ҳужжати Конституциясида тўлиқ ифода этиш мумкин» [1]. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимиз қиёфасини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий стратегик йўналишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликлари кафолатланганлигини ўзида намоён этади.

Мамлакатимизда демократик қадриятларни рўёбга чиқаришда, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлашда, ижтимоий фаоллигини оширишда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда олиб борилаётган ислоҳотлар муҳим рол ўйнамоқда. Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтган, "...миллати, тили ва динидан қатъий назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат этадиган «Янги Ўзбекистон - халқчил ва олийжаноб мамлакат» ғоясининг амалга оширилгани ҳам аҳамиятлидир [2].



Шу билан биргаликда, биз йиллар, асрлар давомида амал қилиб келинган "давлат жамият инсон" тамойилини "инсон жамият - давлат" тамойилига ўзгартирганимиз, юртимизда "Давлат - инсон учун" ғояси амал қила бошлаши ҳам инсоннинг кадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туришидан дарак беради [3, 464]. Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлақо янги тизим - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фаолиятини йўлга қўйилганлиги, давлат ташкилотлари фаолиятида "маҳаллалар кесимида ишлаш", "халқ ичига кириш", унинг "дардига кулок солиш", "ташвишига шерик бўлиш" ва "муаммоларни жойида ҳал этиш" тамойиллари ўрнатилганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Келтирилиб ўтилган фикрлар, олиб борилган изланишлар натижасида Янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йилнинг 1 май санасидан қонуний кучга кирди. Ўз навбатида, ушбу Конституциямизга 27 та янги модда киритилиб, моддалар сони 128 тадан 155 тага ошти, бу эса Конституциямиздаги нормалар сони 434 тага кўпайганини ва унинг 65 фоизга янгиланганлигидан дарак беради. Янгиланган Конституциямиз жамиятимиз ҳаётининг барча йўналишларини комплекс тартибга солиш ҳамда мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида энг муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шу жумладан, мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустақкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратти. Аслида ҳам Конституция кенг маънода «Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликларини мустақкамловчи, кафолатловчи, шунингдек, ижтимоий тузум, бошқарув шакли ва давлат тузилиши, ҳокимиятнинг марказий ва маҳаллий органларини ташкил этиш асосларини, уларнинг ваколатлари ва ўзаро муносабатларини белгилайдиган қонун ҳужжатидир» [4, 252].

Таъкидлаш керакки, Янгиланган Конституциямизни қабул қилиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, оддий ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, халқимизнинг асрий интилишларига мос таризда, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган, демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари узида акс эттирган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиш беришдан иборат бўлган объектив зарурият эди.

Бу зарурият эса Конституциямизнинг пребула қисмида ўз тастиғини топди, яъни Ўзбекистоннинг ягона халқи: инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англаган ҳолда, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсад қилганини куришимиз мумкин.



Янгиланган Конституциямизга мувофиқ Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий давлат сифатида Конституция ва қонундарнинг устувор бўлиши, уларда биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари устуворлигини таъминлашда, давлатнинг барча ресурс ва имкониятлари шахс фаровонлигига ва фуқорларнинг ҳаёт сифати даражасини ошириш учун йўналтиришда катта аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда, “Инсон қадрлари учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган «Инсон-жамият- давлат» деган ёндашув Янгиланган Конституциямизнинг мазмунига чуқур сингдирилган бўлиб, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури, ҳуқуқ ва манфаатларининг барча соҳаларда ҳимоя қилиниши ўз аксини топган. Яъни, Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси тўғрисидаги» ПФ-60-сон фармонида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойиллари ривожланишнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш мақсади белгиланган, жумладан Стратегиянинг 20-мақсадида «Фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва итоат қилиш ҳиссини шакллантириш; халқнинг ҳуқуқий маданиятини ва онгини кўтариш, бу борада мамлакат органларнинг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим ташкилотлари билан ўзаро самардор ҳамкорлигини йўлга қўйиш каби белгиланган мақсадлар Янгиланган Конституциямизда ўз тасдиғини топганини кўришимиз мумкин» [5].

Шунингдек, ушбу Бош қомусимизда инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро стандартларга мувофиқ кучайтирилганининг гувоҳи буламиз. Яъни, шахснинг суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, ушбу муддат ушлаб туриш қонунийлиги ва асослилиги судда исботланмаса, шахс дарҳол озод қилиниши (“Хабеас корпус” институти) ҳамда шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари унга тушунарли тилда тушунтирилиши кераклиги (“Миранда қоидалари”), шунингдек, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни «сукут сақлаш» ҳуқуқи белгиланган бўлиб, бу қоидалар ўз навбатида шахсий эркинлик дахлсизлигини ва инсонларни ноқонуний ҳибсга олишга йўл қўймаслигини кафолатлайди. Яна бир муҳим ўзгаришларнинг бири шахс қариндошларининг судланганлиги асоси билан ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланиши инсон ўзининг яқинлари йўл қўйган хатолар учун жавоб бермаслигини таъминлади ҳамда айбсизлик презумпцияси, юридик ёрдам олиш ҳуқуқига оид масалалар Конституция даражасида белгилаб қўйилиши, суриштирув, тергов, суд ҳамда жазони ижро этиш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишидаги камчиликларни бартараф этишда ҳуқуқий пойдевор яратти. Конституциямизнинг тегишли нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, Конституциямизнинг кучсизланишига эмас, аксинча, бу муҳим ҳуқуқий ҳужжатнинг янада такомиллашувига, аввало шахс ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга, халқ манфаатлари, қадр-қимматининг кафолатланишига, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар замирида замонавий давлатчилигимизга хос хусусиятлар ёрдамида жамиятни демократлаштириш, инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниш ва тўлиқ таъминланиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонга давлат ва жамият ғамхўрлигини янада кучайтириш, жаҳонда давлатимизнинг нуфузини янада ошириш каби эзгу мақсадлар ётибди. Бу мақсадларни рўёбга чиқаришда янги таҳрирдаги Конституция ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

References:

1. 2022 йил 20 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев Республика Конституциявий комиссияси аъзолари билан учрашувидаги маърузаси. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/06/21/president-suggestions/>
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/06/21/president-suggestions> MAHALLA VA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING FUQAROLIK JAMIYATI INSTITUTLARI SIFATIDAGI O'RNI - "ODIL SUDLOV"
3. Янги Ўзбекистон стратегияси [Матн] / Ш.М. Мирзиёев. -Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021.- 464 б.
4. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Муаллифлар жамоаси. – Т., 2010. – 252 б.
5. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси <https://lex.uz/docs/5841063> 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <https://lex.uz/docs/6445145> 01.05.2023 й.,03/23/837/0241-сон)